



**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ
МИЛЛИЙ БАНКИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИНГ**

9– сонли баёни

Манзил: Ўзмиллийбанк Бош офиси, Тошкент
шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй.

2021 йил “30” июл
Иш вақти: 10:30 – 11.30

“Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат иштирокидаги тижорат банкларини ислоҳ қилишни мувофиқлаштириш департаменти бўлими бошлиғи ўринбосари Нуритдинова Наима Низомиддин қизи очиб берди ва куйидагиларни маълум қилди.

Банк Кузатув кенгаши томонидан 2021 йил 4 июлдаги 26-сонли мажлис баёни билан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда “Ўзмиллийбанк” АЖ Уставига мувофиқ банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини 2021 йил 30 июл куни чақириш тўғрисидаги қарори қабул қилинган.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда умумий йиғилишни ўтказиш вақти, жойи, кун тартиби тўғрисидаги хабар 2021 йил 6 июлда Банкнинг расмий веб-сайтида ҳамда 2021 йил 8 июл санасида Корпоратив маълумотлар ягона порталида шунингдек Ҳалқ сўзи” газетасининг 2021 йил 7 июлдаги 142-сониди ва “Правда Востока” газетасининг 2021 йил 9 июлдаги 139-сониди жойлаштирилиб, акциядорларнинг электрон почта манзилларига (“e-xat” орқали) юборилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 61-моддаси ҳамда Кузатув кенгашининг қарорига биноан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санаси 2021 йил 5 июл куни этиб белгиланган.

Акциядорлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2021 йил 26 июл ҳолатига шакллантирилган.

2021 йил 26 июл ҳолатига банкнинг устав капитали 11 978 074 379 000 (ўн бир триллион тўққиз юз етмиш саккиз миллиард етмиш тўрт миллион уч юз етмиш тўққиз минг) сўмни ташкил қилади ва у 11 978 074 379 (ўн бир миллиард

тўққиз юз етмиш саккиз миллион етмиш тўрт минг уч юз етмиш тўққиз) дона номинал қиймати 1000 (минг) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни ташкил қилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (кворумга эга эканлиги) бўйича сўз Санок комиссияси раиси – Анвар Халитовга берилди.

Санок комиссияси томонидан “Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг реестрига кўра, 2021 йил 27 июл ҳолатига акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга 11 978 074 379 дона оддий акциялар эгаси бўлган 2 (икки) та акциядор киритилганлиги маълум қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги – 4 972 047 182 дона (41,5%) оддий акцияларга ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси - 7 006 027 197 дона (58,5%) оддий акцияларга эгалик қилади.

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Санок комиссияси йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг 11 978 074 379 донасига ёки 100,0 фоизига эгалик қилувчи 2 нафар акциядор (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтганлиги ва Умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворум мавжудлигини маълум қилди.

Йиғилишга раислик қилувчи Н.Нуритдинова “Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ва йиғилишда банк акциядорлари, Банк бошқарув аъзолари ва банкнинг масъул департамент директорлари иштирок этаётганлиги тўғрисида маълум қилди.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи органлари қуйидаги таркибда тузилди.

Йиғилиш Раёсати: Н.Нуритдинова, М.Наргитов

Йиғилиш котиби: А. Халитов.

Санок комиссияси: А. Халитов, Б.Турапов, Д.Мўминов.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” Акциядорлик жамиятининг 25.12.2019 й. 1-сонли таъсисчилар йиғилиш баёни билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” акциядорлик жамияти уставига ўзгартириш киритиш тўғрисида.

2. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” Акциядорлик жамиятининг 25.12.2019 й. 1-сонли таъсисчилар йиғилиш баёни билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида.
3. Банк Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

Умумий йиғилишнинг иш тартиби қуйидагича белгилаб олинди:

Кун тартибига киритилган масала бўйича ҳисобот ва ахборот бериш, музокараларда сўзга чиқиш, овоз бериш учун қуйидаги регламент ўрнатилди:

- кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга – 20 дақиқагача;
- маърузалар бўйича муҳокомага – 10 дақиқагача;
- кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш учун - 5 дақиқагача.

Кун тартибига киритилган масала бўйича овоз бериш тартиби ҳам белгилаб олинди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан йиғилишга раислик қилувчи Н.Нуридинова сўзга чиқиб қуйидагиларни маълум қилди.

1-масала юзасидан: “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” Акциядорлик жамиятининг 25.12.2019 й. 1-сонли таъсисчилар йиғилиш баёни билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” акциядорлик жамияти уставининг “банк кузатув кенгаши” тўғрисидаги XI боб 11.6. бандидаги **“Банк Кузатув кенгашининг таркиби 5 (беш) кишидан, шу жумладан Кузатув кенгашига раҳбарлик қиладиган Банк Кузатув кенгаши Раисидан иборат. Банк Кузатув кенгаши аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга кумулятив овоз бериш йўли билан сайланади.”** жумлаларини **“Банк Кузатув кенгашининг таркиби 7 (етти) кишидан, шу жумладан Кузатув кенгашига раҳбарлик қиладиган Банк Кузатув кенгаши Раисидан иборат. Банк Кузатув кенгаши аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга кумулятив овоз бериш йўли билан сайланади.”** каби ўзгартиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз

2-масала юзасидан: “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” Акциядорлик жамиятининг 25.12.2019 й. 1-сонли таъсисчилар йиғилиш баёни билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши тўғрисидаги низомининг “Банк Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш” тўғрисидаги IV боб, 8 бандига мувофиқ **“Банк Кузатув кенгашининг миқдорий таркиби 5 кишидан иборат бўлади”** деб белгилаб қўйилган бўлиб ушбу жумлаларни **“Банк Кузатув кенгашининг миқдорий таркиби 7 кишидан иборат бўлади”** деб ўзгартиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

3-масала юзасидан: Яъни Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масалалари бўйича, банкнинг Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи А.Халитов, акциядорлар томонидан берилган номзодлар бўйича маълумот берди.

Кун тартибига киритилган масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки акциядорлик жамияти уставига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

Овоз берилди: 11 978 074 379 овоз.

“Ёқлайман” - та овоз, “Қаршиман” - та овоз, “Бетарафман” - та овоз.

2. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” акциядорлик жамияти “кузатув кенгаши тўғрисидаги низоми” га 2-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

Овоз берилди: 11 978 074 379 овоз.

“Ёқлайман” - та овоз, “Қаршиман” - та овоз, “Бетарафман” - та овоз.

3. Банк Кузатув Кенгаши аъзолари таркибига қўшимча 2 (икки) та аъзо киритилсин ва қуйидаги тартибда сайлансин:

№	Сайланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми	Эгаллаб турган лавозими	Тўпланган овозлар сони
1.	Насритдинходжаев Омонулло Забиҳуллаевич	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари	11 978 074 379
2.	Холхўжаев Саидқаҳҳор Мухаммадкарим ўғли	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари	11 978 074 379
3.	Норгитов Мухитдин Журабоевич	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси юридик хизмати бошлиғи	11 978 074 379

4.	Муслимов Элбек Шухратович	“Old Street Advisory Limited” (Буюк Британия), мустақил аъзо*	11 978 074 379
5.	Мирзаев Мубин Мухитдинович	Давлат солиқ кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари	11 978 074 379
6.	Рахимова Гулнора Хашимовна	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари	11 978 074 379
7.	Полетаев Максим Владимирович	“Норильский никель” (Россия), мустақил аъзо*	11 978 074 379

*Муслимов Элбек ва Полетаев Максим - Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 17.02.2020 йилдаги №РА-1-3015-сонли топшириғига асосан Кузатув кенгашига мустақил аъзо сифатида ёлланган эксперт:

Чоракда камида бир марта банкнинг умумий фаолиятини бошқариш жараёнида, яъни Кузатув кенгаши йиғилишида тўғридан-тўғри қатнашиш, шунингдек масофавий тарзда банк ҳисоботлари билан танишиб бориш ва бошқарув масалаларида зарур маслаҳатлар бериб боради;

Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари банк ҳисобидан қопланади ва йиллик мукофот пули миқдори 12 минг АҚШ доллари (бир ойда 1 000 АҚШ доллари) этиб белгиланади ва у иш юзасидан Ўзбекистон Республикасида бўлган даврда унинг яшаш ва транспорт харажатлари (Ўзбекистон Республикасига чет мамлакатдан учиб келиш/кетиш авиачипталари шу жумладан) банк томонидан қопланади;

Кузатув кенгаши ҳужжатларини (протоколлар) масофавий тарзда кўриб чиқади (е-мейл ёки ёзиб олинган видеоконференция орқали хулоса беради) ва уларнинг асл нусхаларини Ўзбекистонда бўлган даврда имзолаб беради.

Овоз берилди: 11 978 074 379 овоз.

“Ёклайман” - та овоз, “Қаршиман” - та овоз, “Бетарафман” - та овоз.

**“Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг
умумий йиғилиши раиси**

Н.Н.Нуритдинова

**Йиғилиш котиби,
Банк корпоратив бошқарув
хизмати бошлиғи**

А.Ю. Халитов